

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАҢГУЛИ МЯЛИКГУЛИЕВИЧ БЕРДИМУХАМЕДОВНИ «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, тинчликни таъминлаш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ишларида қўшган салмоқли ҳиссаси учун Туркменистон Президенти Гурбангули Маликгулиевич Бердимухамедов «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 октябрь.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони-га биноан мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мукофотландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:

«Жасорат» медали билан
Рахимов Бахтиёржон Йўлдашович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вази-ларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахас-сиси

«Шуҳрат» медали билан
Умаров Незматулла Асатуллоевич – Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлими бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЯВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ ШВЕЙЦАРИЯДА

Женевада ўтказилган БМТ Савдо ва тарқиқот конференциясининг (ЮНКТАД) Жаҳон инвестиция форумида Ўзбекистон делегациясининг иштироки доирасида мамлакатимиз сармоявий салоҳиятига бағишланган брифинг

Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий тараққиёти, мамлакатда саноат корхона-ларини модернизациялаш ва технология қайта жиҳоз-лаш, сармоявий иқлимини такомиллаштириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли чора-тадбир-лар, шунингдек, ижтимоий ва инфраструктурани ривож-лантиришга йўналтирилган давлат дастурлари ҳақидаги батафсил маълумотлар тад-бир катнашчиларининг эъти-борига ҳавола қилинди.

Шунингдек, брифинг иштирокчилари мамлакатимиздаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди, «Ангрен» ва «Жиз-зах» махсус индустриал зо-наларининг фаолияти ва имкониятлари, улар ҳудуди-да хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлайлик ва имтиёзлар билан ақиндан танишдилар. Хусусан, им-порт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқарили-шини қўллаб-қувватлаш, ўзбекистонлик шериклар

билан ҳамкорлик қилишни ва янги технологияларни жорий этишни режалашти-раётган хорижий инвестор-ларни жалб қилиш ҳамда уларнинг келгусидаги фао-лиятини рағбатлантиришга хизмат қиладиган таъши-лий-қонуний шарт-шароит-лар яратишнинг энг муҳим масалалари ҳақида атроф-лича фикр юритилди.

Тадбир чоғида мамлакатимизнинг иқтисодий ва сар-моявий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди. «Жаҳон» ахборот агент-лигига берган интервьюси чоғида Женева қантони Олий кенгашининг депута-ти, «Швейцария – Россия – МДХ» бирлашган савдо палатаси раисининг ўринбосари Жан-Поль Периа ҳам яқин келажакда ўзаро ман-фаатли ҳамкорлик имкони-ятларини ўрганиб чиқиш мақсадида Швейцария иш-билармон доираларининг Ўзбекистонга таърифини уюштириш режалаштири-лаётганини маълум қилди.

«Citadefinances» ком-панияси директорлар ке-нагашининг аъзоси Станислас Любомирский Ўзбекистон раҳбариятининг миллий иқтисодийет жабҳаларига хорижий сармоялар ва ил-ғор технологиялар жалб қилиниши жараёнларини фаоллаштиришга йўналти-рилган режаларини юқори баҳолади.

«Жаҳон» АА.
Женева.

«Тошкент ҳақиқати» га жавоб берадилар

«ҚАЙТИМГА САҚИЧ ЁКИ ГУГУРТ?!»

Газетанинг 8 октябрдаги 81-сонида юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилин-ган мақолада Олмалик шаҳрида йўловчи-ларга автотранспорт хизмати кўрсатишда юзага келаётган ноқулайлик ва муаммо-лар хусусида фикр юритилган эди. Жум-ладан, қарийб ўттиз йўналишда қатнаёт-ган «Дамас» микроавтобусларида йўл ҳақи 700 сўм қилиб белгилангани боис йўлов-чилар бераётган 1000 сўмлик пул қайтими муаммога айланиб, эвазига сақич ёки гу-гурт берилаётгани танқид қилинганди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан вило-

ят ҳокимлиги йўловчи транспортнинг бар-ча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Ш. Назаровдан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, танқидий мақолада кел-тирилган далиллар афторлича ўрганиб чиқилди. Жамоат транспорти корхоналари раҳбарлари ва ҳайдовчилари иштирокида йиғилишлар ташкил этилиб, тарғибот-таш-виқот ўтказилди. Муаммони ҳал этиш йўллари тушунтирилиб, бу ҳол бошқа қай-тарилмаслиги юзасидан зарур чоралар кўрилди.



ОҲАНГАРОННИНГ «СОҒЛОМ БОЛА»СИ

Оҳангарон тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғи яқин-гача қаровсиз ҳолда эди. Охири туман мутасаддилари 4 гектарли боғни O'zLiDeP аъзоси, Халқ депу-татлари туман Кенгаши депутати,

тадбиркор Шавкат Комиловга узок муддатта ижарага беришга қарор қилишди. Тадбиркор энг шимариб ишга киришиб кетди. Ҳозир боғда-ги қурилиш ва таъмирлаш жараёни ҳавасингизни келтиради.

Дастлаб боғ йиллар давомида йиғилиб қолган чиқиндилардан тозаланди. Улар 54 машинага юк бўлди. Дарахларга чирой-ли шакл берилди, эски бинолар бузиб ташланди ва шағал тўкилиб, ас-фальт ётқизилди, хиёбон деворлари тикланди. Аҳоли уч марта ҳашар уюштириб, тадбиркорга кўмаклашди.

– Кечқурунлари боғ ичи-дан ўтишга юрак бетла-масди, – дейди 81 ёшли Мусахўжа ота Турғунов. – Энди боғ обод ва файзли бўлаётганидан жуда хур-сандимиз. Қунига бир мар-та бўлса ҳам боғга келиб, қурувчиларга «ҳорманг-лар» деб, қўнғилларини кўтараямиз.

Тадбиркорга «Қишлоқ-қурилишбанк» имтиёзли

кредит ажратди. Ҳозир бу ерда 50 дан зиёд бунёд-кор меҳнат қилмоқда. Боғ дарвозаларини ясашда замонавий ҳамда миллий услубдан фойдаланилади. Белгиланган, жойларга брусчатка, асфальт ва чим ётқизилди. 70 метр чуқур-ликдан сув чиқарилди.

Маълум қилишларича, келгусида бу ерда тиббий хизмат кўрсатиш бўлими, дорихона, болалар учун ўйингоҳлар, китоб ва озик-овқат дўконлари, гўзаллик салони очилади. Концерт майдони, амфи-театр ҳам қурилади.

Қуни кеча янги турмуш қурган келин-куёв Нодира-хон ва Акмалжон боғга келиб, яхши ният билан арча экишди. Бу хайрли иш аъёнага айланиши шубҳасиз.

Шавкат Комилов бу йил «Соғлом бола» спорт маж-муасини ҳам қурди. Салкам ярим гектарли иншоотда 300 га яқин болалар спорт-нинг 10 тури билан шуғул-ланишлари учун имкон бор.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доираси-да қурилган мажмуада ик-кита минни футбол, волей-бол, баскетбол майдонча-лари, катта теннис корти ва стол тенниси хоналари бор. Футбол майдончаси суний майса билан қоп-ланди, кортга синтетик қоплама тўшалди. Спорт майдони атрофига 100 туп-дан арча ва терак экилган, мажмуа анча қўрқамлашди. Артезиан қудуги қазилиб, сув чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

Даврон АҲМАД
олган сурат.

Қишлоқ мулкдори



ИСТИҚЛОЛ ШУНДАЙ ИМКОН БЕРДИ

Самарали меҳнат қилиб, гўзал ҳаёт кечираёт-ган, топганларини орзу-ҳавасларига сарфлаёт-ган Паркент туманидаги «Заркент Холмат» фер-мер хўжалиги раҳбари, 27 ёшли Баҳром Холмо-нов элга танилди. Ҳозир у 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 15-20 тонна узум, олма, гилос, шаф-толи ва бошқа сархил мева олмақда.

(Давоми 3-бетда).

Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Вилоят ҳаёти

Камалакдек ранг-баранг

Бу йил вилоятимизда намунавий лойиҳалар асосида 1 минг 50 та тураржой барпо этилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бунинг учун 368 минг 151 квадрат метрдан зиёд томёпқич мате-риаллар ишлатилган.

Бундан сал аввалроқ Паркент туманидаги «Истик-бол» маҳалласида иш бошлаган янги корхонада проф-настил тайёрлаш ўзлаштирилгани ҳам шу эътиёбга яраша иш бўлди. «Паркент камалак жилоси» номини олган корхонада малакали мутахассислар тунукага иккиламчи ишлов бериш орқали ранг-баранг томёп-қичлар тайёрлашмоқда. Бу ерга банкнинг молиявий мадади билан Хитойдан илғор ускуна ва жиҳозлар келтирилган. Улар ёрдамида замонавий қурилиш ма-териалини буюртмачи талабига биноан турли ўлчам ва шаклларида тайёрлаб бериш йўлга қўйилгани имо-ратсозлар учун қўшимча қўлайлик бўлди.

Шукур МУРОВО.



ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши-га сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссия-сининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сайлов участкала-рини ташкил этиш, сай-лов жараёнларини ёритув-чи оммавий ахборот воси-талари ходимларини акк-редитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқил-ди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи ок-руг комиссиялари томони-дан вилоятда 872 та сай-лов участкалари ташкил этилгани, Ўзбекистон Рес-

публикаси Марказий сай-лов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги қаро-рининг 10-бандига кўра, бу сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатасига, Халқ де-путатлари Тошкент вило-яти, шаҳар ва туманлари Кенгашларига сайлов ўтказиш учун ягона ҳисоб-ланиши маълумот ва ижро учун қабул қилинди. Сай-лов участкаларининг тар-тиб рақами, манзили ва

чегаралари кўрсатилган рўйхат тегишли шаҳар ва туман газеталарида эълон қилинади.

Қун тартибидеги маса-лалар юзасидан комиссия котиби Норсат Шаймардо-нов, комиссия хузуридаги матбуот гуруҳи раҳбари Саъдулла Матқубов ахбо-ротлари тингланди. Шу-нингдек, округ сайлов ко-миссияларининг бўлажак сайловларга тайёрлиги атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда кўриб чи-қилган барча масалалар юзасидан тегишли қар-орлар қабул қилинди.

ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, шу йил 21 декабрда мамлакатимиз парламентининг қонун-чилик палатасига ва ма-ҳаллий давлат ҳокимия-ти вакиллик органлари-га сайловлар бўлиб ўтади. Уни миллий қон-унчилигимиз асосида очик ва ошқора ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш концепцияларига мос ҳолда ўтказишда округ сайлов комиссиялари

муҳим ўрин тутати. Ви-лоят сайлов комиссияси аъзоси Камол Тоирбеков билан округ сайлов ко-миссияларини шакллан-тириш тартиби ва улар-нинг ваколатлари хусу-сида суҳбатлашдик.

– «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан Халқ депутатлари вило-ят Кенгашига сайлов 60

та ҳудудий сайлов округ-и бўйича ўтказилади, – дейди К. Тоирбеков. – 11- ва 12-моддаларга асосан округ комиссия-лари таркибини вилоят сайлов комиссияси кўриб чиқиб, тасдиқ-лади. Комиссия маҳал-лий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тақлифларини кўриб чиқиб, ўз мажлисида

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ТАРБИЯ – ҲАЁТ- МАМОТ МАСАЛАСИ

Инсоният пайдо бўлибдики, ёшлар маънавияти барча жамият-лар, олимۇ фузалолар, файласуфу сиёсатшунослар, тарбиячию мураб-бийлар диққат марказида бўлиб кел-моқда. Бундан уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бирининг қабртошига «Ёшларимиз

ўжар ва қайсар, кексаларнинг айт-ганини назар-писанда олмайди, аждодлар қадриятларини инкор эта-ди» сўзлари битиб қўйилгани ҳам ёшлар тарбияси башариёт тараққи-ятнинг барча босқичларида асосий масалалардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди.

Хар бир халқ ўз тар-бия муҳити билан дунё минтақаларида ўзига хос ўринга эга. Шу жумладан, ўзбек халқи ҳам ёшлар-ни хар томонлама барка-мол қилиб тарбиялашда бой тарихий тажрибага эга. Маънавий поклик,

гуноҳ ишлардан тий-лиш, қўпчилиқнинг раъй-ига қараб иш туттиш, кат-тага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш ҳалқимиз асрлар давомида улуглаб келган урф-одат ва анъ-аналардир. Ёшлар жамиятнинг

шундай ижтимоий гуру-ҳига мансубки, улар ҳис-сий билиш қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиётнинг номунасо-сбилиги ҳолатларини кучлироқ сезади.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни

БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқило-на фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда.

«Аристотель яшаган даврда беш юзга яқин ўсимлик ва 454 ҳайвон тури аниқланган бўлса, ҳозирги вақтда улар-нинг икки миллион тур ва формалари

фанга маълум. Аммо саноатнинг тарақ-қий этиши билан уларнинг аксария-ти қирилиб кетиш хавфи остида қолмоқ-да...».

(Давоми 3-бетда).

Қибрай туманидаги «Соҳибкор» маҳалласида замонавий бола-лар спорт майдончаси қурилди. «Соғлом бола йили» Давлат дасту-рига мувофиқ барпо этилган иншоотда маҳалла ёшлари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва спортнинг оммавий турла-ри билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилган.

Замонавий спорт майдончалари

Эртанинг давомчиларини спортга кенг жалб этиш мақсадида маҳал-лалар ҳамда ўрта махсус, касб-хунар ва умумтаълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар учун спортнинг ўнлаб оммавий турларига доир тўғарақ-лар фаолияти йўлга қўйилган. Жойларда бунёд этилаётган бири бири-дан қўқам, шинам ва замонавий спорт иншоотлари ўғил-қизларимиз-нинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилаётир.

Хусусан, Қибрай туманидаги 48 та мактаб, 8 та коллеж ҳамда 1 та академик лицейда 308 та спорт тўғараги ташкил этилган. Таълим масканларида бўлганидек, маҳаллаларда намунавий лойиҳалар асоси-да барпо этилаётган спорт майдончалари ҳам ёшларнинг бўш вақтла-рини сериозмун ва фойдали ўтказишларида муҳим ўрин тутаяпти.

Қувонарлиси, жорий йилда туманининг «Селекция» ва «Қизил шало-ла» маҳаллалари фарзандлари ҳам худди шундай имкониятдан баҳра-манд бўла бошладилар.

Шерзод ШУХРАТОВ.

Саккиз минг тоннадан зиёд

«Ўзметкомбинат-нинг мартен цехи жамоаси ўтган ойда 8 минг тоннадан зиёд махсулот иш-лаб чиқариб, юқори меҳнат са-марадорлигига эришди.

Бу эса режадаги-дан 1158 тонна кўп махсулот дегани. Шу билан бирга цех жа-моаси электр энер-гия ва табиий газ-ни мунтазам тежа-моқда.

Феруза ТЎРАЕВА.

ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТ



округларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарор, округ сайлов комиссияларининг манзили, телефон рақамлари, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуот орқали жамоатчиликка маълум қилинди.

– **Округ сайлов комиссияларининг шахсий тартиби қай тартибда шакллантирилди?**

– Округ сайлов комиссиялари аъзоларига номзодлар жамоатчилигининг обрўли вакиллари орасидан давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этиш бўйича тажрибаси, у ёки бу сиёсий партия аъзоси эмаслиги каби ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда танланди. Бу жараёнда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг фикри, шунингдек, комиссия аъзоларига ҳар бир номзоднинг шахсий фазилавлари атрофида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўрганилиб, кенг жамоатчилик орасида обрў-эътибор, ҳурмат қозонган юртдошларимизнинг муносиби, жамоатчилигининг обрўли вакиллари орасидан танлаб олинди.

Депутатликка номзодлар, уларнинг ваколатли вакиллари ва кузатувчилари сайлов комиссиялари таркибига кириштирилмади. Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлишга ҳақли.

Хисоб-китобларимизга кўра, 60 та округ сайлов комиссияси таркибига 573 киши жалб қилинган. Шундан 356 нафар комиссия аъзолари эркаклар (62,1 фоиз) ва 217 нафари (37,9 фоиз) аёллар. Уларнинг асосий қисми таълим тизими (40,3 фоиз), ўзини-ўзи бошқариш органлари (25,3 фоиз), солиқни сақлаш (9,1 фоиз), фермер хўжалиги (3,1 фоиз) ҳамда жамоат ташкилотлари (3 фоиз) вакиллари, яъни умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбарлари ва ўқитувчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, касба уюшмалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, шифокорлар,

хукушунослар, фермерлар ва бошқа касб эгаларидир.

– **Округ сайлов комиссиялари қандай ваколатларга эга?**

– Округ сайлов комиссияси ўз ҳудудда "Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сайлов тўғрисида"ги Қонун ижросини назорат қилади. Сайлов участкаларини тузади, сайлов округи бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Сиёсий партиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ахборотларини тинглайди.

Депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг шартини таъминлаш, рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, уларга гувоҳномалар топириш, ишончли вакиллари рўйхатга олиш, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга қўмаклашиш ҳам округ сайлов комиссияси ваколатларига кирди. Шу

нингдек, сайловчилар рўйхатини тузиш ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этишни кузатиб боради, сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди ва уларни тайёрлаш, участка сайлов комиссиялари бюллетенлар билан таъминланишини ташкил этади, сайлов округи бўйича овоз бериш натижаларини аниқлайди. Бундан ташқари, ўз ваколатлари доирасида ариза ва шикоятларни кўриб чиқади.

Сайлов комиссияси қарорининг ижроси қўйи сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоалари ва ҳарбий қисмлар, қорхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари учун мажбурийдир.

Округ сайлов комиссиялари йиғилишлар ўтказиб, иш режаларини тасдиқлаб олди. 872 та сайлов участкалари тўғрисида, уларнинг чегаралари тўғрисида шаҳар ва туман газеталари орқали сайловчилар хабардор қилинди. Ҳалдаги муҳим вазифа участка сайлов комиссияларини тузишдир.

"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири Хуршида ТУРСУНБОВА
суҳбатлашди.

Маънавият

"Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот."

Маърифат орқали жамиятни ўзгартиришга ҳазм қилган Абдулла Авлонийнинг ушбу даъваткор сўзлари бундан юз йил муқаддам айtilган бўлса-да, илм-фан ва янги технологиялар юксак тараққий этган, кишилар дунёқарашини, тушуниш ва тасаввурларини кенгайган, таълим-тарбия тизими янги босқичга кўтарилган бугунги даврда ҳам аҳамиятини заррача йўқотмаган. Чунки, жамият технологик жиҳатдан қанчалик тараққий этмасин, ҳар бир тарихий давр инсон маънавий-маърифий қамолоти, ёшлар тарбияси борасида янгидан-янги, мураккаб масалаларни кўндаланг қўяверади. Глобаллашув таъсирида мазкур масала янада жиддий тус олмақда. Давлатимиз раҳбари тили билан айтганда: "Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир."

Оммавий маданиятга қизиқишнинг ортиси, турли ҳаёсий, порнографик мазмундаги ахборот воситалари (қўл телефонлари, дисклардаги фильмлар, клиплар, расмлар ва ҳоказо), айрим-айрим оналарда тарбиявий савиянинг пастлиги, назоратсизлик ва қаровсизлик, таълимга қизиқишнинг сустлиги, фарзанддан ҳаддан ташқари эркаклик, бўш вақтнинг бесамар ўтиши, ёшлар ўртасида алкогольизм ва гитхандиликнинг ортиб бориши улар ҳулқ-атворида, маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадими.

Глобаллашадиган дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва аиникса, интернет кишилар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Глобал тармоқ шиддат билан ривожланиб, имкониятлари тобора кенгаймоқда.

Интернетнинг жамият иқтисодий-иқтисомий, маданий ва техник тараққиётидаги ўрни беқиёс, албатта. Унинг улкан қудратини тан олиш ёки олмаслик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Интернет – инсон тафаккури, ақл ва билим қудратининг маҳсули ва инъикосидир.

Интернет ва компьютер технологиялари соҳасида ёшларимиз бугун эришадиган ютуқлари оз эмас. Аҳолига хизмат кўрсатишда енгилликлар яратиб, турли соҳалар фаолиятини ихчамлаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш каби йўналишларда ёшлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

ОҲАНГАРОННИНГ «СОҒЛОМ БОЛА»СИ

– Умрим қурилишларда ўтган, – дейди фахрий қурувчи Йўлдош Эргашев. – Туманимизда қад ростлаётган биноларнинг бирортаси бошқасини такрорламайди. Бир-биридан мухташам. Яқингача шу мажмуа урнида чикиндилар уюлиб ётарди. Тадбиркорнинг саяёҳаракати туфайли обод ва кўркам жойга айланди-қўйди. Энг муҳими, 10 га яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

– Ишқибоз бўлганим учун Оҳангаронда фут-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТАРБИЯ – ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ



миз ақлий меҳнатлари мамлакатимиз иқтисомий ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирмоқда. Бугунги кунда интернетни "билмайман", деган ёшни топиш амри маҳол. Замонавий ёшлар интернетта маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар. Улар онлайн тизимга асосан янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш учун қирадилар. Интернет бугунги кунда ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Аммо интернетнинг ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир этувчи жиҳатлари борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, бугунги кунда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилинчи 9 минг, эротик мазмунга эга 4 мингдан зиёд сайтлар мавжуд. 49 фоиз компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузлик руҳида, 41 фоизи эса ўта жангари (бешафқат урушлар, ўлдирешлар, отишмалар, портлашлар ва ҳоказо.)

Глобал тармоқдаги ахборот ресурсларининг ёшлар ҳаёт тарзи шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, интернет ҳозирги кунда иқтисомий муносабатларнинг ўзига хос муҳитига айланиб қолди. Шундай экан, миллий тармоқда ёшларнинг руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг дунёқарашини ва қизиқишларидан келиб чиқиб, бевосита ёш ақлнинг манфаатлари ва муаммоларини қамраб олувчи маънан мазмунли, шу билан бирга, замонавий мазмунлардан интернет сайтлар яратиб ниҳоятда муҳимдир.

Бугунги кунда ёшларимиз ўртасида ўз тенгдошлари ва хаттоки, ёши катталар билан

ҳам мулоқот қилишда тилимизга ёт турли сўزلардан фойдаланиш, шунингдек сўкиниш ҳолатлари ҳам анчагина авж олди. Ўқув даргоҳларида, жамоат транспортларида, бозор ва хибонларда ҳам ёшларнинг бир-бирларига муносабати ва мулоқотидан одам ҳайратга тушади. Уларнинг телефон орқали суҳбатлари ҳам сўзлашиб одобиға анчагина зид.

Шунингдек, кишининг инсоний қиёфасини белгилувчи қийинчи маданияти ҳам ёшларимиз орасида анчагина ўзгача тус олган. Ғарб маданиятига тақдир қилиб қийинчиш аллақачон урф бўлиб улгурди. Қизларимизнинг ўзбекона ҳаё-ибога мос ва хос қийинчиш буткул ўзгарган эди. Энди эса йигитларимиз ҳам уларга эргашаяпти, шекилли. Масалан, йигит кишининг сочини ўстириб юриши ниманинг белгиси? Гулли қўйлақ, танасига ёпишиб турувчи торшим ёки галати қўринишдаги иштон, ялтироқ пиджак, қандайдир ёзувлар битилган айвонли шапка қийиш, қўлида узук, билгаи ва бўйнига қандайдир занжирлар тақиб урф бўлди. Қизларимиз ҳам танасига ёпишиб турган тор шим ёки калта юбка кийган, сочлари ёйилган, қорни очик калта кофта, бўйниларида майда-чўйда нарсалар билан безатишган туморлар, қўлгоди каттақон зирак ва бармоқларининг барчасида узуклар. Бундан ташқари, йигит ва қизларимиз соч ва юз тузилишларини ўзгача қилиб олганлари ҳам кишини ҳайратга солади.

Шарқона одоб инсон маънавиятини гўзаллаштириб, унинг қадр-қўмматини юқори кўтарувчи омил ҳисоблана-

ди. Одобли одам ҳар доим халқ ичида эъзозлидир. Бундай одоб-ахлоқ, панд-насиҳат ва ўғитлар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб борувчи умрбоқий маънавий бойлигимиз. Шарқона миллий одобиимиз инсониятнинг орзу-истак, эзгу ниятидан келиб чиққан бўлиб, умуминсоний қадриятларни ўзига муҳассам этади. Уларда халқпарварлик, маърифат-парварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, сажийлик каби ҳислатлар тарғиб қилинса, худбинлик, ўғрилик, эгрлик, бахиллик, ялқовлик, жаҳолат, жоҳиллик доимо қораланиб, фош этилади.

Бир донишманддан сўрабдилар: "Одам учун ярашқили қийинчи ичида энг гўзали қандай қийим?" Донишманд жавоб берибди: "Одам учун ярашадиган энг гўзал қийим бу ахлоқ-одоб қийимидир". Ёшлиқнинг ўзи гўзал. Қийим кийганда ёшларнинг ҳуснига янада ҳусн қўйилади. Дид, фаросат билан, миллий хусусиятлар эътиборга олинб, ораста, озода, қадди-қоматиға мос қийим кийганда ёшларнинг маданияти намоён бўлади.

Ҳар бир миллатнинг қийинчи яшаб турган жойининг табиғатиға ҳам мослашиб кетганини айтиш биламиз. Бундан ташқари, ҳар бир миллатнинг ўзи фахрланиб киядиган миллий қийимлари бор. Ҳусайн Воиз Кошифий ёзади: "Агар либос сен учунми, ёки сен либос учунми, деб сўрасанг, дегил: либос менинг суратимдур ва мен либоснинг маъносиман".

Хулоса қилиб айтсак, мамлакатимизда таълим ва тарбия ишлари ҳисоман соғлом, маънавий барқамол ёшларни тарбиялаб воғла етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, янги минг йилликда давлатлар ва халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, балки интеллектуал салоҳияти етук ва юксак маънавиятли ёшлар ҳал қилади.

Нарзулла ЖўРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.
Гулбаҳор УМАРОВА,
тарих фанлари
номзоди, доцент.



ЖАМОАТ ТАРТИБИ НАЗОРАТДА

Вилоят ички ишлар бошқармаси пост-патруль хизмати батальонида бўлганимизда, ҳар бир ишнинг аввали маърифатдан бошланаётгани диққатимизни тортди. Маърифат хонасидаги жиҳозлар, зарур адабиётлар, улуғ аждоҳларимизнинг муборак сиймолари, ўғит-насиҳатлари акс этган кўргазмали қўроллар аид билан жойлаштирилган.

Одатдагидек эрта-лабки илк тадбир маънавият соатида бошланди. Пост-патруль хизмати батальони ходимлари, отряд бошқарилиши, масъул шахслар катта залга тўпла-нишди.

– Ички ишлар соҳасида хизмат қиладиган ҳар бир ходим Ватани тарихини, аждоҳлари қимлигини чуқур ва мукамал билиши керак, – деди пост-патруль хизмати батальони штаб бошқарилиши Назрулло Худойбердиев. – Улуғ аждоҳларимизнинг бой тарихи, уларнинг Ватан озодлиги йўлидаги мардлиги ва жасорати биз учун ибрат мактабидир. Бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, тинчлиги-

мизни кўз қорачигимиздек асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Маънавият соатида тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, жамоат мулкни сақлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда пост-патруль ва профилактика хизмати ҳамкорлигининг роли катта экани қайд этилди. Шунингдек, биргаликдаги саяёҳаракатларни янада қучайтириш зарурияти таъкидланди. Шу мавзуга бағишлаб Тошкент Давлат аграр университетида ички ишлар идоралари ходимлари билан ўтказилган учрашув-мулоқот қўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ашурали БОЙМУРОД.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига ўтказиладиган сайлов жараёнини кенг ёритиш мақсадида аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари ходимлари рўйхати

№	Ф.И.О.	Лавозими
1	Хидаятов Бекзод Шавкатович	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Тошкент вилояти бўйича мухбири
2	Шералиев Ғайрат Раҳматуллаевич	"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг Тошкент вилояти бўйича мухбири
3	Тошев Иброҳим Иномжонович	"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг Тошкент вилояти бўйича мухбири
4	Ахмедов Даврон Зикирович	"Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлими мудири
5	Мутин Сергей Валерьевич	"Ташкентская правда" газетаси бўлими мудири
6	Саъдуллаев Хасан Жураевич	"Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлими мудири
7	Турсунбоева Хуршида Муминовна	"Тошкент ҳақиқати" газетаси ўз мухбири
8	Икрамова Камила Сайдақбаровна	"Ташкентская правда" газетаси мухбири
9	Исроилова Муҳаддас Ғулом қизи	"Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбири
10	Ахмедов Азамат Давронвич	"Тошкент ҳақиқати" газетаси фотомухбири
11	Ғофуров Қобил Ғуломжон ўғли	"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари фотомухбири
12	Мустафина Альмира Митхатовна	"Ангрен ҳақиқати" ва "Ангренская правда" газеталари муҳаррири
13	Насибалиева Гульшода Хунусубовна	"Ангрен ҳақиқати" ва "Ангренская правда" газеталари мухбири
14	Андреева Диана Октябровна	"Ангрен ҳақиқати" ва "Ангренская правда" газеталари мухбири
15	Тилобердиев Шерзод Шералиевич	"Олмалик ҳақиқати" газетаси муҳаррири
16	Султонова Марғуба Абдувалиевна	"Олмалик ҳақиқати" газетаси мухбири
17	Яминова Салима Хасановна	"Чирчиқ тонги" газетаси муҳаррири
18	Ахорова Зебуноиса Бахрамовна	"Чирчиқ тонги" газетаси масъул котиби
19	Артиков Шерали Шуқурли ўғли	"Чирчиқ тонги" газетаси фотомухбири
20	Бондаренко Юлия Вячеславовна	"Чирчиқ" газетаси муҳаррири
21	Иминахунова Дилера Батировна	"Чирчиқ" газетаси муҳаррири ўринбосари
22	Ҳамзаев Аширли Қодирқуллович	"Бекобод овози" газетаси масъул котиби
23	Исмомилов Рўздат Шораҳимович	"Бўстонлик овози - Бостандиқ даусы" газетаси мухбири
24	Шарипова Дилбар Тоҳировна	"Истикбол" газетаси мухбири
25	Матқубов Қомилжон Саъдуллаевич	"Истикбол" газетаси фотомухбири
26	Мурашова Махмуд	"Қиёра садоси" газетаси фотомухбири
27	Бозоралиев Маъмуржон Жайлау ўғли	"Машъал" газетаси бўлими мудири
28	Мусоқов Хамид Мусаевич	"Оққўрғон овози" газетаси муҳаррири ўринбосари
29	Абдураҳимов Нуралӣ Турсунқуллович	"Оҳангарон ҳаёти" ва "Жизнь Ахангарана" газеталари муҳаррири
30	Боймуродов Вохид Суннатович	"Оҳангарон ҳаёти" ва "Жизнь Ахангарана" газеталари мухбири
31	Дўстматов Тўйчи	"Паркент тонги" газетаси муҳаррири ўринбосари
32	Ҳолиқов Зивбулдин	"Паркент тонги" газетаси фотомухбири
33	Манзура Рўстамова Рўстам қизи	"Пискент ҳаёти" газетаси бўлими мудири
34	Темиров Даврон	"Халқ овози" газетаси мухбири
35	Қамолов Рўстам Жалолович	"Қиноз ҳаёти" газетаси бўлими мудири
36	Искандаров Сайфиддин Самандарович	"Қиноз ҳаёти" газетаси фотомухбири
37	Рисбоева Малюхат Парпихоновна	"Эркин сўз" газетаси муҳаррири
38	Уралова Хулқар Абдуқабировна	"Юқори Чирчиқ ҳаёти" газетаси муҳаррири ўринбосари
39	Қушербоев Расул Хидиралиевич	"Янгийўл" газетаси мухбири
40	Чемирзаев Абдулла Холбўтаевич	"Янгийўл" газетаси муҳаррири ўринбосари
41	Душаев Неъмат	"Улуғ уюл" газетаси муҳаррири
42	Пан Валентин Харитонович	"Бекобод ишиси" ва "Рабочий Бекабада" газеталари муҳаррири
43	Равшан Балтабаев Базарбаевич	"Металлург минбари" газетаси муҳаррири ўринбосари
44	Султонов Мирсаид Мирзаевич	"Tozhkent" телерадиоканали "Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар" бош муҳарририяти "Сисбат" бўлими 1-тоифали муҳаррири
45	Эрбаева Сайёра Рўстамовна	"Ro'yatx" ахборот дастурлари бош муҳарририяти шарҳловчиси
46	Мирфазалов Сардор Авазович	"Ro'yatx" ахборот дастурлари бош муҳарририяти муҳаррири
47	Мадаминаева Дилфуза Раджаповна	"Ro'yatx" ахборот дастурлари бош муҳарририяти муҳаррири
48	Каттаев Азиз Одиловчи	"Ro'yatx" ахборот дастурлари бош муҳарририяти муҳаррири
49	Попов Алексей Владимирович	"Ro'yatx" ахборот дастурлари бош муҳарририяти муҳаррири
50	Исаева Зулфия Лапасовна	"Ro'yatx" ахборот дастурлари бош муҳарририяти муҳаррири
51	Ткаченко Наталья Витальевна	"Ro'yatx" ахборот дастурлари бош муҳарририяти муҳаррири
52	Ғулметов Неъмат Холматович	"Tozhkent" ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири (радио)
53	Бўрибеков Носирбек Муратбекович	Бош режиссёр хизмати телеоператори
54	Арипов Мирсўлтон Эркинович	Бош режиссёр хизмати телеоператори
55	Қомиллов Равшан Шавкатович	Бош режиссёр хизмати телеоператори

Мавсум тадориғи

ТЎЛОВ КЕЧИКМАСА, ТАЪМИНОТ УЗИЛМАЙДИ

Куз ярмидан оғди. Ҳадемай, совуқ кунлар бошланади. Демак, иқтисодий объектлари ва аҳоли уй-жойларини қиш мавсумига тайёрлаш аллақачон ақунланган бўлиши керак.

Ҳўш, Олмалик шаҳрида куз-қиш мавсумига тайёргарлик қандай бўлди?

Бизга маълум қилишларича, электр, табиий газ ва иситиш тармоқлари таъмирланиб, мавсумда барқарор ишлашини таъминлаш чоралари кўрилди. "Тошкентгазтаъминот" унитар қорхонасининг "Олмалик-шаҳаргаз" филиалида махсус режа ишлаб чиқилиб, газ босимининг пасайиб кетиши ва носозликлар ҳусусида аҳолидан тушаётган муро-

жаатлар ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилаётир.

– Мавсумни муаммоларсиз ўтказиш учун барча имкониятни қўллаяймиз, – дейди "Олмалик-шаҳаргаз" раҳбари Бахтиёр Жўраев. – Ўтган йили қишда газ босими пасайиб кетган ҳудудлардаги муаммолар бартараф этилмоқда.

– Биз 32 мингдан ортиқ истеъмолчини газ билан таъминлаймиз, – дейди бош муҳандис А. Умаров. – Улар қарийб юз фоиз хисоблагичлар билан таъминланган газни тежаш, босимни меъёрида сақлаш имконини бераяпти.

Қорхона балансидаги 419,96 километр газ қувурлари ва 131 та газ

тақсимлаш пункти техник қўриқдан ўтказилди. 44,2 километр газ қувурлари босим орқали синаб қўрилиб, ҳаво ёрдамида тозаланди, 8,5 километр бўялди. Фойдаланиш бўлими ходимлари, айникса, ер ости қувурларининг соз бўлишига жиддий эътибор қаратдилар. Чунки, бирор жойда қувурдан газ сизиб чиқса, портлаш ҳавфи туғилади. Бунга йўл қўймайлик учун 17,5 километр ер ости қувурларини махсус асбоблар ёрдамида таъмирланди.

Аҳолининг коммунал хизматлардан қўнғли тўлса, тўловни пайсалга солмайди. Тўлов вақтида ундирилса, аҳолига янада яхшироқ шароит яратилади.

Феруза ТўРАЕВА.

Шундайлар бор бўлсин

БАХТИНИ КАСБИДАН ТОПДИ

Янги ўқув йилида 2430 га яқин ўғил-қиз Оҳангарон тумани мактабларининг 1-синфига қадам қўйди. Уларнинг 185 нафари 6 йилли иқтисодий болалардир.

– Фарзандини олти ёшдан мактабга беришга ҳавасманд ота-оналар кўп, – дейди туман халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари Мавлуда Абдуқодирова. – Аммо бундай пайтда шошмаслик, республика болалар ташхис маркази белгиланган Низом талаблари асосида тиббий қўриқдан ўтиш лозим. Биз бу йил олти ёшли болаларнинг ўқишда қийналиб қолмаслиги учун уларнинг бўйи, оғирлиги, қўрқак қафасининг кенглиги меъёри даражасида

Китоб жавонингизга

Болалик ва ўқувчилик давлари унутилмас онларга бой бўлади. Нимагадир синфдош қизлар билан туғилган кунларга расмий альбом совға қилишни одатга айлантиргандик. Айниқса, нилуфар гулини чизиб, тагига:

Эй нилуфар, куйма кўп,
Асло умидинг узмагин.
Эрта тонг чиқай кўёш
Гул чехрасин ёриттали,
деган мисраларни ёзиб қўйишни ёқтирдик. Ушанда шеър муаллифи, шоира Нилуфар Алихонова билан учрашиб, ҳамсухбат бўлиш ҳаёлимизга ҳам келмаганди. Кейинчалик институтда ўқиб юрган пайтларимиз хонанда Марғуба Собирова ижросидаги "Зор эдим бир кўргали" қўшиғи ота дийдорига тўймаган ўқисик дилларни ларзага солганга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Тўғри, ҳар қандай шеър унга бастанан куй билан янада таъсирчан, юракка яқин бўлиб қолади. Куйини тинглаб туриб сўзларини, шеърни ўқиб туриб куйини эслайсиз:

...Илар эдим кеча-кундуз
Хол-аҳвол сўрагани.
Интизор кўнглим учун
Ой ҳам тўлишди бу кеча,
Бахтга ёр қизни падар
Дийдорига тўйдиргани...



Орадан йиллар ўтиб, бу ҳасос шоира билан учраганимизда ижодкорга хос икборини тинглаб туриб, камтарлиги-га маҳлиё бўлди кўёш:

— Сизларга ўхшаб мен ҳам газетада ишлашни, нафақатда ўқиб юрган пайтларимиз хонанда Марғуба Собирова ижросидаги "Зор эдим бир кўргали" қўшиғи ота дийдорига тўймаган ўқисик дилларни ларзага солганга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Тўғри, ҳар қандай шеър унга бастанан куй билан янада таъсирчан, юракка яқин бўлиб қолади. Куйини тинглаб туриб сўзларини, шеърни ўқиб туриб куйини эслайсиз:

...Илар эдим кеча-кундуз
Хол-аҳвол сўрагани.
Интизор кўнглим учун
Ой ҳам тўлишди бу кеча,
Бахтга ёр қизни падар
Дийдорига тўйдиргани...

АЁЛ ҚАЛБИ

кемтик, дардим ичимда эди. Яратганга шукр, 23 йилдан буюн гўборларим ёзилиб, дил ярасига малҳам бўлаётган истиқлол нури қалбимни нурафшон этди. Шундай кунларга етказганига шукроналар келтирар экан, шоира ўтган давларни эслаб ёзади:

"Бир кунни ойм: "Юр болагинам, сенга ўзим ўсган уйимни кўрсатаман, — деб бир жойга олиб бордилар. Ҳамма ёқни айландик. "Бу меҳмонхонамиз бўлган, бу ётоғим эди. Роса ўзгариб кетибди" дея бир хўрсиниб қўйди. У ердан чиққанмишдан кейин Шайх Хованди Тоҳур қабрларига бордик. Ҳамма ёқ тақа-тақ берк, ҳовлини тикан босиб ётибди. Кўзларига ёш олиб, ўтганларни бир-бир ёдга олиб, тиловат қилдилар..."

"Жигаржонлар" ҳикоясидан келтирилган бу воқеа истиқлолгача бўлган давр ва шароитлар ҳақидаги тасаввурингизни янада ойдинлаштириши, мустақиллик йилларидаги қўламли ишлар, бунёдкорлик ишлари, миллий ўзлигимиз, урф-одат,

қадриятларимиз, авлод-аждодларимизга ҳурмат-эҳтиромни яна бир бор хис этиш, шукроналар келтиришга туртки бўлиши аниқ. Шунинг учун Нилуфар Алихонованинг учрашувлардаги дилтортар суҳбатлари, инсоний фазилатларни тараннум этувчи шеърларини иштирокчилар бажонидил тинглашди, эзуликка чорловчи фикр-мулоҳазаларига қўлоқ туттишди. Шоира эса "Гул рози", "Соғиндим", "Сени изларман", "Баҳорга илтижо", "Ифатли Шарқ аёли", "Ҳаққушнинг овози" каби шеърини тўпламларидаги дил сўзлари давом эттирган яна бир ижод маҳсулини мухлисларига тортди. "Adabiyot uchun" нашриётида чоп этилган "Килқуприк" китоби асосан аёлларга бағишланган дейиш мумкин. Унга муаллифнинг таъбир жоиз бўлса, кексалик доноликларига қиёс қилгулик сўнгги йилларда ёзилган шеър, қўшиқ, очерк, публицистик мақола ва эсдаликлар киритилган. Дафъатан, китоб номи диққатни тартади: "Қизиқ, нима

учун "Килқуприк" экан?" Аммо, уни ўқиб чиққан, қилқуприкда турган омонат жонларни ўз манзилига омон-эсон етказган истиқлол шарофатига сиз ҳам шукроналар келтирасиз. Эзгу ниятли мунис ўзбек аёлининг қалб дунёси ва маънавий оламига ошно бўласиз.

— Аёлларни севишим, уларга жон куйдиришимнинг боиси, шундай ҳур замонга эришганларига шукр қилишим, болаларини суюб, эркалаб, меҳрларига тўйдиришим, — дейди шоира. — Соғлом, ақлли, баркамол, гўзал инсонлар қилиб тарбиялашлари учун барча шароитлар бор, шундан тўлиқ фойдаланишим. Замонамиз тинч, диёримиз обод, рўзгоримиз тўкин-сочин бўлган шу кунларда фарзандларини яйраб-яшнаб, ўйнаб-қулиб тарбиялашса, кексайданда роҳатда бўладилар...

Дарҳақиқат, оила, фарзанди, эл-юртидан кўнгли тўқ аёлнинг қалби доим эзуликка эш бўлади. Шоира Нилуфар Алихонова нуруний ёшида ҳам ёзишдан, ўқишдан, ижодий изланишдан, мунозаралардан чарчамайди. Хур диёр, озод Ватан алёрлари тилини дилида янграб туради.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Фахрийлар турнири

ВАКИЛЛАРИМИЗ
КУБОК ЭГАСИ

Пойтахтдаги "Чигатой" ўйингоҳида футбол бўйича Ўзбекистон нурунийлари кубок мусобақаси финал босқичи бўлиб ўтди.

Республика футбол федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган турнирда пойтахтнинг "Тошкент", Фарғонанинг "Қўқон", Қаршининг "Насаф" ва Бекободнинг "Металлург" жамоалари голиблик учун баҳс олиб боришди.

— Бу футболчиларни нуруний дейишга тил бормайди, — дейди турнирнинг бош ҳаками Гали Имомов. — Чунки, шу ёшда чиройли ўйин кўрсатиб, 90 дақиқа тинимсиз югуришнинг ўзи бўлмайди.

Республика бўйича сараланган тўрт жамоа иштирокидаги кураш қизиқарли кечди. Мусобақа якунида ташкилотчилар голиб жамоа ва яхши ўйин кўрсатган бир гуруҳ фахрийларни диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирлади. Ўзбекистон, кубок вилоятимиз фахрий футболчиларига насиб этди.

Аваз БЕКОВ.

Азамат АХМЕДОВ олган сурат.



Дарвоқе

ҚАНЧАЛАР
ИЛТИФОТЛИСИЗ?

Кўп йиллардан бери шу йўлдан ишга қатнайман. Уйим автобус йўналишининг у бошида бўлса, иш жойим бу бошида. Хуллас, орқа ўриндиққа жойлашиб олиб, чиққан-тушганини кузатиб кетаман.

...Мақтадан қайтаётган уч-тўрт бола уришиб-тортишиб, ўриндиқ талашади. Жойини эгаллагач, ўзидан катталар у ёқда турсин, қаршисидаги мўйсафидга ҳам эътибор бермайдилар. Қўл телефони тикилганча, бепарво кетаверадилар.

Топшириқлар қўяйиб, ишдан бироз кеч чиққандим, бу гал ўзим ҳам тик туришимга тўғри келди. Рўпарамдаги йигит-қиз ҳам жой бўлашини кутиб туришган экан. Бир йўловчи ўрнидан турар-турмай, йигит қизга имо қилди. Қиз ҳам тезгина ўриндиққа чўкди. Йигитнинг юз-кўзида мамнун-

лик акс этди. Севгилисини бўш ўринга ўтқазиб, мардининг ишини қилгандай хурсанд...

Қаршимдаги ўриндиқ бўлаши билан уни ота-ўғил эгаллади. Бола 5 ёшлар атрофида. Уларнинг ёнгинасида бир ҳомиладор аёл дафтар-китоб кучоқлаганча, базўр турарди. Ота эса автобус ойнасида қараб, ўғлидан машиналар русумини сўраб борарди. Беш-олти бекат юрилганча, аёлга қараб: "Қўлингиздагиларни беринг, ушлаб тураман" деди. Аёл: "Илтифотингиз учун раҳмат, оғир эмас", дея қиноя қилди. Чунки, тоғни талқон қилишга қодир йигитнинг бу "илтифот"идан аёлнинг энсаси қотганди. Ота ўзига тегар гапни тушунди-ю, аммо тескари қараганча, йўлида давом этди...

Ирода МАКСУДОВА.



— Катта бўлсам, архитектор бўламан!

Қобилжон ҒОҒУРОВ сурат-лавҳаси.

МЎЪЖАЗ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод мемориал бог-музейида Соғлом бола йилига бағишланган "Мўъжаз санъатнинг сеҳрли олами" номли бадий кўргазма очилди.

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тасвирий санъатни ривожлантириш, бу борадаги умрбоқий анъаналарни давом эттириш ва ёш истеъдод эгалларини рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга ошириллаётган.

Кўргазмада миниатюрчи расомлар Баҳодир, Бехзод ва Шерзод Ҳожиमतовларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Ушбу расомлар ижоди серкирралиги ҳамда ўзгача нафосати билан эътиборни тартади. Она

юртимизнинг бетакрор манзаралари, асрлар оша етиб келган миллий қадриятларимиз, замондошларимиз ва аждодларимиз сиймолари ўзига хос тарзда қоғоз, панно, лаган, қутича, томошақовок, локли металл ҳамда териди маҳорат билан ифодаланган. Кўргазмадан ўрин олган саксонга яқин асар орасида "Мирзо Улуғбек", "Шарқона тўй", "Бобур" каби асарлар ўзининг нафис ва ёрқинранг чизгилари, композицион жозибаси билан томошабинлар

да катта таассурот қолдирмоқда.

— Мамлакатимизда юртдошларимизнинг билим олиши, ўз қизиқиш ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши, меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Баҳодир Ҳожиमतов. — Ушбу кўргазмада замондошларимизга дёйримизнинг ўтмиши, бетакрор табиати, халқимизнинг ноёб қадриятларини тасвирий санъат орқали таништириш асосий мақсадимиздир.

Фарида ИБОДОВА,
ЎЗА муҳбири.

Ажаб сирлар

ТАҚАЧИЛИК ҚИЗНИНГ ЖАСОРАТИ

Буюк бобокалонимиз Бобур Мирзо душманга қарши жанглардан бирини Бекободнинг Тақачи қишлоғида ўтказган, деган гап юради. Худди шу ерда қўрилган, Бобур номи билан боғлиқ тарихий обиди, яна элдан-елга, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган афсона-ю ривоятлар бу гапнинг илдизини тарих ҳақиқатларига олиб бориб туташтиради...

Гап тақачиликлар табаррук қадимжон санъатидан "Қизил мазор" архитектура ёдгорлиги хусусида бормоқда. Кексалар тилидан тушмайдиган бир ривоятда айтилишича,

Тақачиликлар табаррук қадимжон санъатидан "Қизил мазор" архитектура ёдгорлиги хусусида бормоқда. Кексалар тилидан тушмайдиган бир ривоятда айтилишича,

Жанг охиридаги йи-

гит оғир жароҳатланади. Бобур Мирзо ҳузурида унинг ярасига малҳам қўймоқчи бўлган табиблар беморнинг бош қи-йимини ечаётиб, ҳайратдан лол қоладилар. У... сочлари тақимини ўпган қиз экан. Сохибжамол қиз сўнгги нафасидаги-на Бобурга бўлган тенгсиз муҳаббати ва садоқати туфайли ҳарб либосини кийиб, қирғинбарротга кирганини аширмайди...

Саркарда бўлиб ўтган воқеадан қаттиқ таъсирланиб, шаҳид қизнинг қони тўқилган ерда унинг шарафига макбара қуришни буюради. Макба-

ра тикланган, унга "Қизил мазор" деб ном берадилар...

Бора-бора бу ерни одамлар доимий яшаш учун макон тутдилар. Ўй-жойлар, йўл ва кўприклар солинди. Бугун қаттагина қишлоқнинг бир четида сокингина кўр тўкиб турган "Қизил мазор" меъморий ёдгорлиги халқ орасида соф муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида алоҳида эъзозлаб келинмоқда.

Истиқлол шарофати билан бугун "Қизил мазор" обидаси маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинди.

Муҳаммад АБЛО.

ПАРЛАМЕНТГА ХУЖУМ — МАМЛАКАТГА ХУЖУМ

Канада бош вазири Стивен Харпер миллиятга мурожаат қилар экан, Оттавадаги парламентга қилинган ҳужумни мамлакат қадриятларига ҳужум деб баҳолади.

Reuters агентлигининг ёзишича, "Хавфсизлик хизмати ходимларига ва давлат муассасаларига қилинган ҳужум аслида мамлакатимизга, қадриятларимизга, жамиятимизга ва албатта биз, канадаликларга қилинган ҳужум билан тенгдир", деди бош вазири.

22 октябрь кун Оттавада номаълум шахс парламент яқинидаги Миллий ҳарбий ёдгорлик атрофида ўқ отиш қуроллини ишга солди. Натижада фахрий қоровулда турган аскар ҳаётдан кўз юмди. Шундан кейин яна икки жойда — парламент мажмуаси биноларидан бирида ҳамда унинг яқинидаги савдо марказида ҳам ўқ овозлари эшитилди. Ўша жойларда ўқ отишда гумон қилинган шахс отиб ўлдирилди.

САМОЛЁТ ҚОЛДИКЛАРИ ТОПИЛДИ
Кипрнинг Пафос шаҳридан Бейрут томон парвоз қилган енгил моторли самолётнинг қолдиқлари Ливан соҳилларидан 100 километр нарида топилди.

23 октябрь кун Daily Star газетаси мамлакат ички ишлар вазири Нухад Мачнуқнинг сўзларига таяниб, шу хабарни тарқатди. Вазирининг гапига қараганда, қидирув-қутқарув операциясида БМТнинг Ливандаги вақтинчалик кучларига қарашли самолётлар ҳам иштирок этган.

Йўқолган самолёт бортида икки киши — Кипр ва Ливан фуқаролари бўлишган. Ҳозирча уларнинг тақдирини номаълум. Global Post нашрининг ёзишича, учувчи охири марта Ливандан 28 миль (тахминан 41 километр) нарида алоқага чиққан эди.

БУЗГҲУЧНИ ИТЛАР «ҚЎЛГА ОЛИШДИ»

Вашингтонда, Оқ уй ҳудудига бостириб киришга уринган бузғунчини қўлга олишда махфий хизмат ходимларига итлар ёрдам берилди, деб ёзади Reuters.

Жиноятчи шахс АҚШ президенти Барак Обама қароргоҳи тўсиқларидан ошиб ўтишга муваффақ бўлган чоғда унга итлар ташланиб қолди. ABC Newsнинг хабар қилишича, шу пайтда махсус агентлар воқеа жойига етиб келиб, бузғунчини қўлга кишан солишди.

21 сентябрь кун ҳам махфий хизмат агентлари президент қароргоҳига киришга уринган Нью-Жерси фуқаросини ҳибсга олган эдилар. Ундан бир кун аввал 42 ёшли Омар Гонзалес ҳам Оқ уй биносига кирганда қўлга тушганди. Шундан сўнг махфий хизмат Оқ уй ҳудудидаги патруллар сонини кўпайтирган эди.

ЭБОЛАГА ЧАЛИНГАНЛАР ҲАМ МИНГА ЯҚИНЛАШДИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 22 октябрь кун тарқатган хабарда келтирилишича, эбола вирусини юқтирганлар 9936 кишига етди, шулардан 4877 бемор ҳаётдан кўз юмди.

Хавфли вирусни юқтирган одамларнинг асосий қисми учта мамлакат — Либерия, Гвинея ва Сьерра-Леонега тўғри келади. Ушбу мамлакатларда давоси йўқ касалга чалинганлар 9911 кишига етиб, шулардан 4888 нафари ҳалок бўлди.

Айниқса, Либерияда вазият жуда оғир. Бу юртнинг 4800 фуқароси эболага чалиниб, 2700 киши унинг қурбонига айланди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Нигерияда эбола вирусининг хуружи бутунлай бартараф этилганини эълон қилди. Таъкидланишича, 42 кундан буюн мамлакатда янгитдан вирус юқтириб олган кишилар қайд этилмади. Шунингдек, Сенегал мамлакатиди ҳам эбола вирусининг тарқалиши тўхтатилди.

«ФУКУСИМА-1» ЯНА «ТИЛГА КИРДИ»
"Фукусима-1" атом электр станциясининг биринчи реактори устидаги ҳимоя гўмбазини йиғиштириб олишга киришилди.

Ушбу енгил ҳимоя гўмбазини 2011 йилнинг октябры ойида радиактив зарраларнинг ҳавога кўплаб тарқалиши кетишининг олдини олиш мақсадида барпо этилганди. Маълумки, айнан ўша йилнинг март ойида юз берган кучли элзливка оқибатида ушбу атом электр станцияси жиддий шикастланган эди.

Эндиликда бу ерда иш бошлаган мутахассислар реактор устидаги махсус ҳавзадан ишлаб ядро ядро ёқилғисини чиқариб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу муносабат билан ҳимоя гўмбазини бузиб олиш эҳтиёжи туғилди. Ушбу жараёнда режалаштирилган барча ишлар босқичма-босқич бажариб борилади ва мўлжалланган операция кейинги йилнинг баҳор ойларида охирига етказилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маълумоти:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Хуршида ТУРСУНБЕКОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ